



Сурхондарё вилояти Поринатал маркази

Бош хакими

П.Х.Курбонов  
2022 йил

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун  
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Термз шахар-2022 йил

## **Танлов хужжатларининг мазмуни**

### **I. Танлов иштирокчилари учун йурикнома**

#### **II. Техник кисм**

#### **III. Нарх кисми**

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА**

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ**

1. Танлов предмети: Сурхондарё вилояти Перинатал маркази учун зарур булган тиббиёт журналлари ва тиббиёт бланкалари тайерлаб бериш.

1.2. Танлов киймати – 80100000 (саксон миллион бир юз минг) сум кушимча киймат солиги хисобланмаган холда (без учета НДС). Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.

1.3. Махсулот буйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.

**Ушбу танлов якунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати: Голиб булган катнашчи Билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати-аванс маблаги утказилган кундан бошлаб хисобланади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда и шва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилдаи: Танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларининг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;

танлов обьектига ухшаш обеъктларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; уз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тугрисида маълумотлар; танлов обьектида уз кучлари Билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50 фоиздан кам булмаган холда);

Низом маблаги микдори.

Молиявий натижалар

Ишчи ходимларнинг иш стажи ва махсус лицензияга эга эканлиги

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4.Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок-этишга рухсат берилмайды: кайта ташкил этилиш (ажратилиши кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар; мол-мулки мусодара килингандар хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий карамлиги мавжудлар;

#### **4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон куринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталаға электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришлари лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «Буюртмачи» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник кисм, «Буюртмачи» томонидан куйилган техник талабларни ва бажариладиган и шва хизматлар курсатилиши керак;

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.4. Куйидаги хужжатлар тулиқ булиши талаб этилади:

Техник хужжатлар руйхати (брашюралар, техник паспортлар ёки шунга ухшаш хужжатлар руйхатлар илова килинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган хужжатларнинг хакиқийлиги ва маълумотларнинг хаконийлигига тулиқ жавобгар булади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

#### **5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини Яна 5-календар кунга узайтириш мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фактат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор маҳсус ахборот порталада жойлаштирилиши лозим.

### **6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1.Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голи иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир;

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хакиқийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси Билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

### **7.БОШКА ШАРТЛАР**

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда Ушбу танловда таклифлар бериши

тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу Билан бир вактда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби Билан давлат буюртмачисига суроў юборишга хакли. Суроў келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суроў давлат буюртмачисига таклифлар берииш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, Ушбу суроўга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суроў юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суроў келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи Билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.